



# МУҒАЛЛИМ ҲӘМ УЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЙ

Илимий-методикалық журнал



№ 5/2 2024



гуманитарные науки  
естественные науки  
технические науки



# МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЙ



***Илимий-методикалық журнал***

---

**2024**

**5/2-сан**

*Озбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жасындағы  
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының  
25.10.2007 жыл (№138) қарапы менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.  
№01-044-санлы гүйалық берилген.*

Нөкис

**5/2-сан 2024**

**октябрь**

**Шөлкемлестириүшилдер:**

**Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлendirиү Министрлиги,  
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы**

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ	Захия НАРИМБЕТОВА
Нағмет АЙЫМБЕТОВ	Хұшбоқ НОРБҮТАЕВ
Айтмурат АЛЬНИЯЗОВ	Уролбай МИРСАНОВ
Сапардурды АБАЕВ	Сафо МАТЧОН
Адхамжон АБДУРАШИТОВ	Шукурилло МАРДОНОВ
Хайрулла АЛЯМИНОВ	Абдулхамид МИРЗАЕВ
Мавлюда АЧИЛОВА	Камаладин МАТЯКУБОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ	Алима МАТКАРИМОВА
Алишер АЛЛАМУРАТОВ	Арзы ПАЗЫЛОВ
Дилшодхұјжа АЙТБАЕВ	Барлықбай ПРЕНОВ
Интизар АБДИРИМОВА	Қалыбай ПРИМБЕТОВ
Тұлқин АЛЛАЁРОВ	Раъно ОРИПОВА
Мариғжон АХМЕДОВ	Бахтиёр РАХИМОВ
Умида БАҲАДИРОВА	Норим РАХМАНОВ
Фарҳад БАБАШЕВ	Мұқаддас РАХМАНОВА
Ботир БОЙМЕТОВ	Дурдана РАХМАТУЛЛАЕВА
Гулзода БОЙМУРОДОВА	Светлана СМИРНОВА (Москва, Россия)
Шахло БОТИРОВА	Феруза САПАЕВА
Комил ГУЛЯМОВ	Мухаббат САЛАЕВА
Маманазар ДЖУМАЕВ	Қаҳхор ТУРСУНОВ
Аскар ДЖУМАШЕВ	Амина ТЕМИРБЕКОВА
Дилдора ДАВРОНОВА	Нурзода ТОШЕВА
Мұхтар ЕРМЕКБАЕВ (Шымкент, Қазақстан)	Куанишбек ТУРЕКЕЕВ
Алишер ЖУМАНОВ	Тажибай УТЕБАЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА	Саодат ТОШТЕМИРОВА
Холбай ИБРАГИМОВ	Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Шохида ИСТАМОВА	Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Умида ИБРАГИМОВА	Амангелди КАМАЛОВ
Алима КЕНЖЕБАЕВА (Тараз, Қазақстан)	Ризамат ШОДИЕВ
Джавдод ПҮЛАТОВ	Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Ярмухаммат МАДАЛИЕВ (Шымкент, Қазақстан)	Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ
Меруерт ПАЗЫЛОВА	Дүстназар ХИММАТАЛИЕВ
Пердебай НАЖИМОВ	Тармиза ХУРВАЛИЕВА
Аскарбай НИЯЗОВ	Умид ХОДЖАМҚУЛОВ
Сабит НУРЖАНОВ	Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ
	Гулрухсөр ЭРГАШЕВА
	Гавхар ЭШЧАНОВА
	Қонысбай ЮСУПОВ



## МАЗМУНЫ

## ТИЛ ХЭМ ЭДЕБИЯТ

Alniyazov A.I.	Ana tilinde ózinshe pikirlewdi rawajlandírw mäseleleri	8
Suyunov B.T.	Lakunar birliklar tezaurusi	16
Shofqorov A.M.	Kelishik kategoriyasining o'rganilish tarixiga doir	20
Xudaykulov Sh.U.	Xorijiy til ta'limda kognitiv-kommunikativ yondashuv	26
Hafizova M.A.	Tarjima va badiiy mahorat	34

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Abdullayeva M.R.	Pedagogik yo'nalishdagi talabalarning huquqiy kompetensiyalari muhim xususiyatlari	41
Baxodirova U.B.	Bo'lajak biologiya o'qituvchilarini tayyorlashda virtual ta'lim texnologiyalardan foydalanish muammolar	47
Shonazarova S.R.	O'quv jarayonida falsafiy aksiolistik yondashuvni takomillashtirishning pedagogik shart - sharoitlari	55
Sabirova O. Sh.	Zamonaviy ta'limda sun'iy intellektdan foydalanish	61
Bozorov H.N.	Nofizik ta'lim ta'lim yo'nalishlarining malakaviy tavsiflari tahlili, kasbiy kompetensiyalar tuzilmasi va ierarxiyası	66
Nigmanova U.B.	Bo'lg'usi o'qituvchilarda milliy o'zlikni anglash kompetensiyasini rivojlantirish mexanizmini tadbiq etish yo'llari	72
Alimov M.	Iqtidorli yoshlar-kelajagimiz poydevori	77
Qurbanova M.E., Abdulaxatova M.A.	Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri usulida talabalarga kimyo fanini o'qitishda o'quv faoliyatini tashkil etish va takomillashtirish masalalari	81
Qurbanova M.E., Abdulaxatova M.A.	Klaster yondashuvi asosida bo'lajak kimyo fani o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish	85
Arslonova G.K.	Individual ta'lim muhitida talabalarning kasbiy-ijodiy ko'nikmalarini rivojlantirishning zamonaviy texnologiyalari	90
Matkarimova M.K.	Ingliz tili fanini o'qitishda o'quvchilarning kreativlik qobiliyatlarini rivojlantirish	96
Umirova N. J.	Individual yondashuv asosida bo'lajak maktab o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish metodikasi	101
Эшанев Н.Ж.	Замонавий инновацион таълим мухитида мобил мутахассис тайёрлашнинг ижтимоий зарурат эканлиги илмий тадқиқотларда акс этиши	105
Sa'dullayeva M.H.	Mukammal xotira va eslab qolish sirlari	114
Mirzakarimov X.Yu.	Talabalarda vatanparvarlik fazilatini rivojlantirishning konseptual jihatlari	122
Eshnaev N.J.	OTMlarda mobil mutaxassis tayyorlash va kasbiy yo'nalganlikning ilmiy tadqiqot natijalariga asoslanishi hamda samaradorligi	129
Dehqanova M.G.	Daktilema paydo bo'lishi va uning foydalanish turlari	135
Karatayeva L.U.	Sharq mutafakkirlarining ta'lim-tarbiya borasidagi qarashlari	141
Yuldasheva S.M.	Shaxsning kasbiy faoliyatida uchraydigan asosiy psixologik muammolar	150
Amangeldiyev S.N.	O'smirlarda kuzatilayotgan irodasizlikni keltirib chiquvchi sabablar	156
Dilmurodova Z.D.	Shaxsda qobiliyat rivojlanishining pedagogik-psixologik omillari	159
Ибадуллаева Ш.Н.	Maxsus pedagoglarni kasbий фаолиятга тайёрлаш механизмларини takomillashaishiш ижтимоий-педагогик муаммо сифатida	162
Tojiboev M.N.	Talabalardan tafakkurini rivojlantirishda innovatsion yondashuv	168
Meyliyeva M.S.	Tafakkurning innovatsion rivojlanishiga pedagogik hamda psixologik faktorlarning ta'siri	176
Mirzraximova G.I.	Nutq faoliyati va ularning xususiyatlari	179
Yunusova X.Sh.	O'zbekiston respublikasida inklyuziv ta'limni tadbiq qilish masalalari	185



## ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА МОБИЛ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТ ЭКАНЛИГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА АКС ЭТИШИ

Эшанев Н.Ж.

ЧДПУ *Психология кафедраси доценти*

**Таянч сўзлар:** мобил мутахассис, таълим тизими, анъанавий таълим, замонавий инновацион дастур, трансформацион кесишув, деформацион омиллар, эмоция, илмий тадқиқот, мобиллик сифатлар, касбий йўналгандлик, индивидуал қобилият, талаба, инновацион педагогика.

**Ключевые слова:** мобильный специалист, образовательная система, традиционное образование, современная инновационная программа, трансформационный перекрёсток, факторы деформации, эмоции, научные исследования, качества мобильности, профессиональная направленность, индивидуальные способности, студент, инновационная педагогика.

**Key words:** mobile specialist, educational system, traditional education, modern innovative program, transformational intersection, deformation factors, emotion, scientific research, mobility qualities, professional direction, individual ability, student, innovative pedagogy.

### Резюме:

Мазкур маколада мобил мутахассис тайёрлаш таълим тизими бир қатор барқарор хусусиятларга эга бўлиб, анъанавий таълим ва замонавий инновацион дастурлар билан трансформацион кесишувда деформацион омилларни инкор этмаслиги, илмий тадқиқотларга мувофиқ мобиллик сифатларни ўрганиш, касбий йўналгандликда индивидуал қобилияларни ҳар томонлама ўрганиш ва уларни психокоррекциясини амалга ошириш мобиллилик талаба шахсида ижтимоий психологик ва индивидуал хусусиятларини шакллантиришга йўналтирилган таълим ва тарбия мувофиқлашувини ўзида акс этирган инновацион педагогик жараённинг маҳсули эканлиги ёритилган.

### Резюме:

В данной статье образовательная система подготовки мобильных специалистов имеет ряд устойчивых особенностей, не отрицает факторов деформации на трансформационном пересечении с традиционным образованием и современными инновационными программами, изучением качеств мобильности в соответствии с научными исследованиями, комплексное изучение способностей личности в профессиональном направлении и реализация их психокоррекционной мобильности. Пояснено, что это продукт инновационного педагогического процесса, отражающий координацию воспитания и обучения, направленную на формирование социальных, психологических и индивидуальных особенностей личности. студент.

### Summary:

In this article, the educational system of mobile specialist training has a number of stable features, it does not deny the deformation factors at the transformation intersection with traditional



education and modern innovative programs, the study of mobility qualities in accordance with scientific research, the comprehensive study of individual abilities in the professional direction and the implementation of their psychocorrection mobility. It is explained that it is a product of the innovative pedagogical process, which reflects the coordination of education and training aimed at forming social, psychological and individual characteristics of the student.

Бугунги кунда мақсадли ташкил этилаётган таълим ҳар бир давлатнинг дунёдаги ўрнини ҳамда инсоннинг жамиятдаги мавқенин белгилаб берса, олий ўкув юргларида талабаларни тайёрлаш даражаси эса мамлакатнинг кейинги технологик ютуғи учун сармоявий жозибадорлиги намоён этиб, ички ва ташқи меҳнат бозори учун мобил рақобатбардош кадрларни тайёрлаш имкониятини оширади.

Шу нұктаи назардан, мамлакатимиз ОТМларида замонавий талаблар доирасида кадрлар тайёрлаш масаласи кун тартибидаги асосий масала сифатида эътироф этилиб, бугунги кунда мобил мутахассисларни тайёрлаш ва бунинг учун зарур бўлган барча таълим ресурсларини мақсадли мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, ОТМларда кадрларни тайёрлаш тушунчасидан мутахассис тайёрлаш тамойилига устуворлик бериллиб, унинг қасбий мобиллилик сифатларини ривожлантиришга ҳамда интеллектуал салоҳиятидан мақсадли фойдаланишга устуворлик берилмоқда. Бунда асосан инсон капиталини шакллантириш жараёнига эътибор қаратилиб, мазкур ёндашувни давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иктиносий ривожланиш даражасини белгиловчи мезонлардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Замонавий таълимга илмий нұктаи назардан ҳамда ижтимоий қадрият сифатида ёндашиш, ҳар бир давлат ва жамиятнинг миллий манфаатларини ўзида ифодалаб, таълим тизимида амалга оширилаётган реформатик ёндашув ҳамда мобил мутахассисларни тайёрлашнинг технология ва усуллари таълим мазмунига сезиларли таъсир кўрсатади. ОТМлар таълим хизматларини кўрсатиш соҳасида мобил мутахассис тайёрлаш тизимини педагогик-психологик жиҳатдан қўллаб-қувватланиши бугунги кунда муҳим ўрин тутади. Мобил мутахассис тайёрлаш таълим тизими бир қатор барқарор хусусиятларга эга бўлиб, анъанавий таълим ва замонавий инновацион дастурлар билан трансформациян кесишувда деформациян омилларни инкор этмаган ҳолда мақсадли мувофиқлашган педагогик дастурларни янги авлодини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу нұктаи назардан, таълимда мобиллиликнинг ўзига хослигин эътироф этиш ва илмий таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Таълимда мобиллик - бу замонавий таълимда тезкор билим олиш ва мұқобил касб танлаш жараёнда тезкор ҳаракат қилиш, жамият ҳаётида рўй берадиган вазиятларни

олдидан касбий ва илмий прогнозлаштириш, касбий фаолиятда профессионал манёврларни бажариш қобилиятыни талабалар шахсида шакллантириш билан тавсифланади. Шунингдек, таълимда мобиллилик талаба шахсида ижтимоий психологик ва индивидуал хусусиятларини шакллантиришга йўналтирилган таълим ва тарбия мувофиқлашувини ўзида акс эттирган инновацион педагогик жараённинг маҳсули ҳамдир.

Инновацион педагогик жараён таълимда мобилликнинг горизонтал ва вертикал жиҳатларини аниқлаштиришга хизмат қилиб, таълим ва тарбияни замонавий омилларини мувофиқлаштиришнинг асосини яратади. Горизонтал ҳаракатчанлик, талабани ижтимоийлашуви учун зарур бўлган барча психологик ва педагогик омилларни улар шахсида шакллантириш дастурларини таълим-тарбия мазмунига сингдиришга хизмат қилса, вертикал ҳаракатчанлик, талабанинг ўзлаштириш жараёнида билмларни олиш, ижтимоий мақомини жамият кўз ўнгига юқорига ёки пастга ҳаракатланишига олиб келишини педагогик – психологик омилларини аниқлаштиришга асос бўлади.

Таъкидлаш лозимки, талаба шахсида шакланган мобиллик сифати, ўзлаштирилган билим ва касбий кўникмаларни тезлик билан амалий жараёнга қўллаш олиш кўникмасини шакллантириш, мақсад сари ҳаракатланиш, самарасиз фаолиятга нисбатан ҳаракатланмаслик, фаолиятни назорат қилиш малакасини барқарорлаштириш ва уни ривожлантириб боришнинг индивидуаллиги билан тавсифланади. Шунингдек, мобиллик, талабани таълим олиш жараёнида ортиқча руҳий ва аклий зўриқиши ҳамда жисмоний толиқишини камайтирувчи омил бўлиб, психологик “жароҳатлар” эҳтимолини камайтиради ҳамда мотивацион ёндашув методларини классификациялаштиришнинг ўзига хос афзалликларни намоён этиш имкониятини ошириб, ижтимоий мобиллик сифатларини шакллантиради.

Ижтимоий мобиллик, талабани ижтимоий тузилмадаги ўрнини ўзгартиришга йўналтирувчи омилдир. Бунда ҳар бир талаба келиб чиқиши ва ижтимоий мақомидан қатъий назар яхши таълим олиб касбий кўникмаларни мутахассис сифатида эгаллаши юқори даромадли ишга ишлаши ва жамиятнинг энг фаол шахсига айланишини кафолатлади. Шунингдек, ижтимоий мобиллик, талабанинг хулқ-атвори ва мослашувига таъсир қилиш воситаси бўлиб, бу ҳар бир индивидуал ижтимоий мақомга хос бўлган маълум бир намунанинг мавжудлиги, шунингдек, талабани ижтимоий шароитдаги ўзгаришларга мослашиш қобилиятыни юзага чиқариб уни ривожлантириш имкониятларини оширади.

Касбий фаолиятга нисбатан мобиллик, талабани ишга жойлашиш имкониятларини баҳолаш, қобилиятларини аниқлаштириш, йўналтириш, ҳар қа-




нақа шароитда мослашувчанлик кўникмасини шакллантириш, янги меҳнат шароитларига мослашишнинг адаптив сифатларини ва эмоционал ҳолатлари барқарорлаштириш билан тавсифланади.

Мазкур масалани илмий тадқиқ этиш учун 2021 йилнинг март ойида ТВЧДПИ педагогик Илмий Кенгаш қарорига мувофиқ “Талабаларнинг ижтимоий-психологик портретини яратиш” дастури асосида 1,2,3-курс талабалари ўртасида психологик тест-сўров ўтказилди.

Олинган натижалар илмий нуқтаи назардан педагогик-психологик жиҳатдан таҳлил этилиб ўрганилди.


### Институт талабаларининг эмоционал ҳолатлари

#### 1-курс



1-курсда таҳсил олаётган талабаларнинг 17% да безовталик юқори натижани қайд этган бўлса, фрустрациянинг юқори даражаси (режаларни бузилиши ёки истаклар мос келмайдиган вазиятда пайдо бўладиган руҳий ҳолат) 23%, агрессиянинг юқорилиги 14%, ригидликнинг юқорилиги 15%, стрессса бардошлиликнинг паст даражаси 24% ни ташкил этганлигини кузатишимиш мумкин. Бу албатта 1-курс талабаларида эмоционал ҳолат барқарор дегани эмас. Бу борада ўз вақтида психопрофилактик ишларни олиб бориш лозимлигини тақозо этади.


#### 2-курс





2-курсда таҳсил олаётган талабаларнинг 20% да безовталик юқори на-тижани қайд этган бўлса, фрустрациянинг юқори даражаси (режаларни бузилиши ёки истаклар мос келмайдиган вазиятда пайдо бўладиган руҳий ҳолат) 22%, агрессиянинг юқорилиги 21%, ригидликнинг юқорилиги 16%, стрессга бардошлиликнинг паст даражаси 25% ни ташкил этганлигини кузатишимиш мумкин. Бу албатта 2-курс талабаларида эмоционал ҳолат барқарор дегани эмас. Бу борада ўз вақтида психопрофилактик ишларни олиб бориш борасида чора-тадбирлар дастурин ишлаб чиқишини тақозо этади.

### 3-курс



3-курсда таҳсил олаётган талабаларнинг 23% да безовталик юқори на-тижани қайд этган бўлса, фрустрациянинг юқори даражаси (режаларни бузилиши ёки истаклар мос келмайдиган вазиятда пайдо бўладиган руҳий ҳолат) 27%, агрессиянинг юқорилиги 19%, ригидликнинг юқорилиги 19%, стрессга бардошлиликнинг паст даражаси 22% ни ташкил этганлигини кузатишимиш мумкин. Бу албатта 3-курс талабаларида эмоционал ҳолат барқарор дегани эмас. Бу борада ўз вақтида психопрофилактик ишларни олиб бориш лозимлигини тақозо этади.

Институт кесимида безовталикнинг юқорилиги ўртача 20%, фрустрациянинг юқори даражаси ўртача 24%, агрессиянинг юқорилиги ўртача 18% ни ташкил этди. Бу кўрсатгич талабалар эмоционал ҳолат қониқарли ёки барқарор деб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, уларнинг эмоциясига доимий таъсири этиб келаётган психологик омилларни объек-тив ва субъектив жиҳатларини психолгик диагностика қилиш зарур.

Бу тоифадаги талабалар билан психологик диагностик ишларни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсаддага мувофик:

- Безовталик ва эмоционал бекарорлик омилларини ўрганиш ҳамда унинг табиати ва динамикасини таҳлил қилиш;



- сурункали психоэмоционал таранглик ва барқарор хавотир ҳамда кўркувни манбасини диагностика қилиш;
- шахсий ёки яқинлари билан боғлик муаммоларининг мавжудлиги;
- олий таълимда ёшига ва ақлига нисбатан материалларнинг кўплиги ёки мукаммаллиги, мураккаблиги нероэмоционал юкни ортишига олиб келганлиги;
- ўқув маълумотлари ҳажмининг доимий равища ортиб бориши, ухлаш учун вақт етмаслиги, вазифаларни топшириш ва баҳоланиш бора-сида доимий ўй-хаёлнинг доминантлигини негатив омиллари;
- безовталик таҳдид солувчи, безовта қиласиган ҳис-туйғуларнинг онгсиз равища келиб чиқадиган ички эмоционал тўқнашуви эканлиги;
- хавотир пайдо бўлиши билан хулқ-атворда салбий эмоционал ҳолатнинг кучайишини юз бериши;
- хулқ-атвордаги салбий эмоционал ҳолатнинг фаолиятга таъсирини ортиши ва мавжуд шарт-шароитга (дезадаптация) нисбатан негатив ёндашувнинг пайдо қилиши;
- безовталик невротик жараёнларни хуруж қилишига олиб келиши;
- безовталик англанмаган норозиликни юзага келтириши ва фаолиятга таҳдид сифатида қабул қилиши;
- безовталик кундалик турмуш тарзида ниманидир етишмаслиги ҳамда самарасиз фаолият тури сифатида баҳоланиши ҳамда стресс синдромини шакллантириши;
- безовталик руҳий зўриқиши билан бирикиши–экстремал шароитда ра-ционал ёндашувни издан чиқариши.

Ригидликнинг юқорилиги ўртача 15,6% кўрсатгичини намоён қилди. Бу тоифадаги талабаларда:

- Қотиб қолишнинг мавжудлиги, яъни ташқи таъсирининг элементар жиҳатларига ҳам деформацион психологик ҳолатни намоён этаолмаслиги (ижобий ва муносаб жавоб реакциясини тормозланишининг доимий до-минантлиги);
- қайсарликни ҳаддан ошиб кетиши оқибатида, ўз руҳий ҳолати ва ин-дивидуал сифатларидаги камчиликларни кўрмаслик;
- эскича фикр ва муроҳазаларни доминант сифатида тутиб туриш ҳамда аналитик ва оптимистик муроҳазали таҳлилга эга эмаслик;
- турғунлик ва бир томонлама ёндашувни фаолият турига айланиб қо-лиши;

- ўзини ҳиссий жиҳатдан ўрганишда қийинчиликларнинг мавжудлиги, бунинг оқибатида гурух ва ижтимоий жамиятда қаршиликларга кўп учраши, оқибатда бошқаларни айблаш ҳиссининг юқорилигини ортиб кетиши;

- ўз фаолияти ҳамда маълум вазият ва ҳолатдаги муваффақиятсизликнинг омилини бошқаларни айбдор сифатида баҳолаши кузатилади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, айрим тоифадаги талабаларнинг ўқиш фаолияти, соғлиги, моддий-маънавий ҳолати ва ўзларига маълум бўлган бошқа психологик ҳолатлар билан боғлиқ бўлган рухиятига таъсир этувчи ностандарт ҳолатлар таъсирида эканлигини кузатиш мумкин. Стрессга бардошлилик даражасининг 23,7% да паст кўрсаткични қайд этилганлиги, бу тоифадаги талабалар ўзлари билан содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларга нисбатан иродасизликни намоён этиш ва оқибатда улар ўзларига нисбатан зарар етказадиган фаолиятни англамаган ҳолда амалга ошириш эҳтимоллиги мавжуд. Ушбу 23,7% талабалар стрессга тез тушиши, маълум вақт ичидаги уларда депрессия симптомлари кузатилиши ёки унга ўтиб қолиши суицидал ҳолат, ўз фаолиятига ва хатти-ҳаракатига жавоб беролмай қоладиган даражадаги психологик англамаган ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Ушу масалалар билан боғлиқ муаммоларни олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан таклиф:

- Психология кафедраси ва институт (ҳозирги университет) психологи ҳамкорликда безовталик ва эмоционал бекарорлик омилларини ўрганиш юзасидан психологик тестлар блогини яратиш ва уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиши;

- сурункали психоэмоционал таранглик ва барқарор хавотир ҳамда кўркувни бартараф этиш юзасидан психологик коррекцияни амалга ошириш юзасидан индивидуал ва гурухий ишлаш юзасидан чора-тадбирлар дастури ва “Йўл ҳаритасини” ишлаб чиқиши;

- гурух мураббийлари (тютор) ва институт (ҳозирги университет) психологи ҳамада психология кафедраси тизимли ҳамкорликни мақсадли дастурини ишлаб чиқиши ва чора-тадбирлар режасини динамик хусусиятга эга бўлган вариантини ностандарт ва мобиллик асосида яратиши;

- институт (ҳозирги университет) хотин-қизлар қўмитаси, институт ёшлар иттифоқи етакчиси, институт мураббийлар кенгаши раис, институт беш ташаббус масъули, талабалар турар жойи тарбиячиси ва институт психологи ўзаро фаолият ҳамкорлик дастурини яратиши ҳамда амалда тўлиқ ишлайдиган механизмни ишлаб чиқиши;



- ёшлар билан ишлаш борасидаги декан ўринбосарлари, мураббийлар кенгаши ва психология кафедраси мураббийларни талабалар билан ишлаш юзасидан психологик семинар дарсларини ташкил этиши;

- психология кафедраси, институт профессор-ўқитувчиларга талабаларда безовталиқ, агрессия ва фрустрацияни вужудга келтирадиган муомала ва муносабатни психологик омиллари юзасидан психологик консультъм ва тренинглар ўтиб бериши;

- ҳар бир фан ўқитувчиси талабада ностандарт фикрлашга шарт-шароит яратиб беришнинг замонавий механизмидан индивидуал ҳолда фойдаланиш маҳорати ва кўникмасини касбий компетентлигига айлантириш;

- педагогик инновацион таълим кластери асосида педагогика ва психология кафедралари мактабда экспрементал тадқиқотларни амалга оширган ҳолда, ўқувчида мавжуд ригидликни бартараф этиш ва деформацион характер хусусиятни вужудга келтириш борасида ҳамкорлик қўшма дастурини ишлаб чиқиши (бунда МТМ, оила ва мактабни кластер схемасига киритиши, сабаби, ригидликнинг келтириб чиқарувчи манба оила, МТМ ва мактаб мухитидаги нофаол ва ностандарт ёндашув маҳсули ҳисобланади);

- педагогик инновацион таълим кластери доирасида МТМ, мактаб ва оила механизми асосида бола эмоциясига таъсир ўтказиш орқали, унда креатив фикрлашни рӯёбга чиқаришнинг манфаатли тизимини яратиш;

- ҳар хил психологик ўйин (сурункали ва доминант бўлмайдиган таъсир доирага эга бўлган) фаолияти билан болада сунъий стрессларни юзага келтириш ва уни бартараф этишга хос бўлган индивидуал иродавий бардошлилигини ўрганиш, психологик маслаҳатлар бериш;

- стрессга бардошлилик даражасини ошириш борасида ижтимоий психологик тренингларни ташкил этиш;

- институт (ҳозирги университет) миқёсида ушбу масалани доимий ва тизимли тадқиқ этиш юзасидан йилда 2 марта психологик тест-сўровларни амалга ошириб бориш ва натижасига кўра чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда мобил мутахассис тайёрлаш билан боғлиқ таълимни ривожлантириш стратегиясига доир кенг қўламли таълим хизматларини ривожлантириш, ОТМда таҳсил оловчи талабаларда мобил функцияни қарор топтиришнинг ижтимоий педагогик ва психологик омилларини ривожлантириш билан тавсифланади. Мазкур масалаларни ижобий ҳал этишда мобиллик омилларини классификациялашда этнопсихологик, ижтимоий психология, ёш даврлар психологияси



ва креативлик психологияси методлари (тарихий, маданий ва маънавий омиллари, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш ҳамда демографик - ёш, жинс, туғилиш даражаси, никоҳ даражаси, ўлим даражаси, ажралиш масалаларига эътибор қаратиш)дан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, замонавий психологик ёндашувларни педагогик технологиялар билан амалиётда уйғулугини таъминлаш мухим аҳамият касб этади. Шунингдек, талабаларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигини шакллантиришда информацион мобиллик омилларидан мақсадли фойдаланиш лозим. Информацион мобиллик, талабаларининг ахборотни олиш ва ўзлаштиришга бўлган қобилияти, ундан фаол фойдаланишга йўналтириш, маълумотни қўйилган вазифаларга мувофиқ мослаштириш, информацион оқимлар тезлиги ва ранг-баранглигига барқарор соғлом ёндашув компетентлигини шакллантиришга нисбатан қўникмаларни замонавий талабаларнинг шахс хусусиятига айлантиришни психологик омилларини таълим мазмунга сингдирилганлиги билан тавсифланади.

#### Адабиётлар:

1. Eshnaev N.J. Character as an individual and psychological feature // Fan, ta'l'm va amaliyot integratsiyasi. 2021. №2 Issn, 2181-1776.
2. Eshnaev N.J. Negative impact of discriminatory factors on mobile and adaptive relationships of students // science and innovation international scientific journal volume 2 issue 5 may 2023 Uif-2022: 8.2 | issn: 2181-3337 |
3. Заславская Т.И., Рывкина Р.В. (ред.) Трудовая мобильность как предмет экономико-социологического исследования. Методологические проблемы социологического исследования мобильности трудовых ресурсов. Новосибирск, 1974.
4. Зеер Э.Ф., Кормильцева М.В. Социальномличностные компетенции и профессиональная мобильность как целевая ориентация образования // Сибирский педагогический журнал, 2009, по. 10, с. 72-78.
5. Игошев Б.М. Организационно-педагогическая система подготовки профессионально мобильных специалистов в педагогическом университете. Москва, ВЛАДОС, 2008. 201 с.
6. Никитина Е.А. Педагогические условия формирования профессиональной мобильности будущего педагога. Дис. Иркутск, 2007.
7. Панкова Т.Н. Профессиональная мобильность как неотъемлемая характеристика современного специалиста в системе непрерывного профессионального образования // Вестник Воронеж. гос. унта. Сер.: Проблемы высшего образования, 2013, по. 1, с. 99-102.
8. Солоненко В.А. Формирование профессиональной мобильности будущих экономистов-менеджеров в образовательном процессе вуза. Дис. Брянск, 2010.
9. Стариченко Б.Е. Синхронная и асинхронная организация учебного процесса в вузе на основе информационно-технологической модели обучения // Педагогическое образование в России, 2013, по. 3, с. 23-31.
10. Эшнаев Н. Ж. Бўлажак педагог мутахассисларнинг касбий мобиллилигини шакллантирувчи омилларни илмий-назарий таҳлили / Муғаллим ҳэм үзликсиз билимленидириў. 3/2-сан. 2023.-Б.102-108.
11. Эшнаев Н.Ж. ОТМда замонавий мобил мутахассис тайёрлашнинг ижтимоий педагогик-психологик омиллари / Kasb-hunar ta'limi. Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal. 3-сон, 2023. –Б.221-225.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық  
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы Каракалпақстан филиалы

**«МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ  
БИЛИМЛЕНДИРИҮ»**

**№ 5/2**

**Нөхис — 2024**

Басып шығыўға жуўапкер:

*A. Тилегенов, С. Нуржанов*

Баспаға таярлаған:

*A. Тилегенов*

Компьютерде таярлаған:

*П. Реймбаев, З. Ниязымбетова*

**Мәнзил: Нөхис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54**

**Тел.: +998 61 224-23-00, +998 61 224-01-34**

**e-mail: uzniipnkkf@mail.uz,**

***mugallim-pednaik@mail.uz***

***www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz***

***www.KRTEACH.UZ***

*Журналга келген мақалаларга жуўап қайтарылмайды, журналда жерияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендіриү» журналынан алынды, дең көрсетилийи шәрт. Журналга 5-6 бет көлеміндеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада көлтирилген маглыўматларга автор жуўапкер.*

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 09.10.2024. Форматы 70x100<sup>1/8</sup>

«Таймс» гарнитурасында оффсет усылында басылды.

Шәртли б.т. 31. Нашр. т. Нұсқасы \_\_\_\_\_ Буйыртпа №